

БАЛИҚЛИКҮЛ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат

музейининг илмий ходими:

Зулфия Комилова

Балиқликүл Наманган вилоятининг атрофлари баланд тоғлар билан ўралган қишлоқларидан бири ва кўп бошқа қишлоқларидан ўзига ҳос тарихи ва табиати билан ажраб туради. Унинг мусаффо иқлими ва яна ўсимликлар дунёси, боғ-роғлари беғуборликни яратади. Серҳосил бўл-ган танасини аранг кўтариб турган турли қирмизи олмалари ва пушти ранг олхўрилари, ноклари бошқа жойнинг мевасининг мазаси билан рақобатлаша олади. Бир неча асрлик, қадимий дараҳтлари тарихдан сўзлаётгандек тебраниб туради. Балиқликүл зиёратгоҳига кирап экансиз сиз дастлаб шишадай тиник, унга қараган одамни акси кўринадиган табиий булоқ ўзига жалб этади. Булоқдан ҳар дақиқада 140 литрга яқин сув отилиб чиқади ва бу чиқаётган зилол сув бир ҳавзага йигилади. Бу табиий сув захираси атрофдаги қишлоқларнинг экирзорларини сугориш манбайдир. Наманганинг “Кумуш косаси” номи билан машхур бўлган Чорток суви омборига ҳам қўйилади. Булоқ сувини кузатилса, балиқларнинг захираси кўпаймайдиҳам, озайиб ҳам қолмайди. Шу боисдан қишлоқ номи Балиқли кўл номи билан сақланиб қолган. Пайғамбаримизнинг замондошлари, ғойибона дўстлари Султон Увайс Қараний номи билан аталган бу зиёратгоҳ ўн тўрт аср юзини кўриган. Ўрта Осиё мусурмонларининг муқаддас қадамжойидир. Султон Увайс Қараний бобомизнинг волидалари Бибинаима она ҳам табаррук волидалардан бири эдилар. Тарихий манбааларга қараганда Султон Увайс Қаранийни оналари Бибинаима мелодий 626 йили Ямандаги Қаран қишлоғининг Муродий қабиласида дунёга келтирган эканлар. Бибинаима она икки кўзи ожиз бўлган ва ёлғиз фарзанди Увайсни ўстиради. Она-бола меҳри борасида турли хикоятлар ва ривоятлар

мавжуд.Хикоя қилишларича тушида пайғамбаримиз \с.а.в.\ ни кўған Увайс онасини онасини таяга миндириб Турон сари мусоғирчиликка йўл олади. Кимсасиз сахрода Бибинаима вафот этадилар ва сахро ўртасида мужиза туфайли булак отилиб чиқади.Увайс шу булоқ суви билан онани ювиб дағн этади.Онасиға меҳр –оқибати кучли бўлган Увайс “ Завжам билиб-билмасдан онажонимни кўнгилларини ранжитиб қўяда” деган фикрда умриларини охиригача фоний дунёдан жуфти ҳалолсиз ўтган эканлар.Бу булоқ ҳозирги кунда ҳам мавжуд.Отаси эса Увайс тўқиз ёшга кирганда вафот этган экан.Мустақиллик шарофати билан ҳалқимизга иймон ва виждан эркинлигини шамоли ўлкамизга кириб келди. Илгари таъқиб этилган диний эътиқодлар эъзозланиш ҳуқуқига эришди.Юртбошимиз раҳнамолигида уламоларимизнинг хотиралари тикланди. Улар дағн этилган мақбаралар муқаддас зиёратгоҳларга айланди.Шу жумладан Сутлтбулоқ зиёратгоҳи ҳам ободонлаштирилди.Чортоқ тумани ҳокимлиги вилоятимиздагина эмас,балки Фаргона водийсидаги энг муқаддас қадамжойлардан биридир.Сутлибулоқ ва Увайс Қараний зиёратгоҳини обод этиш ва тарихини чукурроқ ўрганиш ишларига ҳозирда жиддий эътибор қаратилган. Ҳокимлик ташаббуси билан маҳаллий аҳоли хашар йўли билан зиёратгоҳни ободонлаштириш ишларини бошлаб берди.Жумла-дан Бибинаима она қабри қайтадан тикланди. Тоғлардан тошлар келтирилиб,неча асрлардан бери қабр томон силжиб бораётган сув йўлини далаларга, экинзорларга,қир-адирларга йўналтирилди.Бунинг натижасида боғлар, узумзорлар барпо бўлди.Атрофда бинолар бунёд этилди ва расталар ҳам қуриш ишлари олиб борилди.Бибинаима она ва фарзандлари Султон Увайс Қараний ётган қабр тепасига мақбара ўрнатилди.Бунда республиканинг таниқли архитекторлари илмий-амалий ёрдам бедилар.Мақбара қурилишининг охиригача маҳаллий аҳоли хашар кунлари ташкил этиб, ситқидилдан ёрдам бериб боришиди.Мақбараларнинг безаклари учун Тошкент ва Қўқон шаҳридан машхур наққошлар сулолалари вакиллари жалб этилди.Жуда ҳам қисқа вақт мобайнида Сутлтбулоқ зиёратгоҳи қад кўтарди. Зиёратгоҳга 0,20 гектар ер майдони қўшилда ва атраф йўллари асфалланди.Яратилган

шарт-шароитлар натижасида зиёратчилар сони кун сайин ошиб бормоқда. Султон Увайс Қараний ҳоклари ётган қабрдан бир неча ўн клометр нарида тўрт юз эллик йиллик тарихга эга ҳиссобланган жоме масжид қад кўтариб турибди. Бу масжид ташки кўриниши билангина эмас, балки жиҳозларининг бетакрорлиги билан ҳам мусулмон оламидаги бошқа масжидлардан ажралиб туради. Нуронийларнинг айтишларича, масжид масжид косонсойлик усталар томонидан қурилган экани айтилади. Қурилишга моҳир усталар меҳнат қилганликлари кўриниб туради. Масжид ичидағи кулоч етмас ўн тўққиз дона устун салобатли кўринади. Устунларнинг ташки кўриниши шу қадар силлиқ ишланганки, қараган одамни акси кўриниб туради. Қирралари орасидаги ўлчамлари, безаклар, нақшлар ишлови такрорланмас кўриниш касб этган. Қурилиш пайтида асбоб-ускуналар кам бўлган дав эди, лекин усталарнинг қўл меҳнати мужиза яратса олган эди. Қаранки орадан тўрт ярим аср вақт ўтса ҳам устунлар асл ҳолатича сақланиб келмоқда. Шуниси дикқатга сазоворки масжиддан бир неча ўн қадам нарида отилиб чиққан булақ ҳам таъсири унга ўтмаган. Шунча вақт давомидаги табиий офатлар ҳам масжидга хукмини ўtkаза олмагани бу бир мужизадир. Шу ўринда тарихга бир назар ташлайдиган бўлсак, сиёсий ҳолатга кўра 1960 йили Балиқлиқўл номи олиб ташланади ва шунчаки “Дам олиш зонаси” деб юритилади. Шундай бўлса ҳам Султон Увайс Қаранийнинг қабрларини зиёрат этувчиidar сафи узулмайди. 1946 йили жуда қаттиқ қиши фасли келиши натижасида 10 сотихли майдонни ўз ичига олган томни қалин қор босади. Шу қишлоқлик Бувахон aka фарзандлари ва кўнгиллилар билан томни қорда ҳоли этиши натижасида нурашни олдини олган эди. 1947 йили бўлган қаттиқ зилзила натижасида қишлоқнинг ўнлаб хонаданлани қулагб тушади ва қўпчилик уйсиз қолади. Масжид уларга бошпана бўлиб ҳизмат қиласди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Ўзбекистоннинг раҳбари бўлган Шароф Рашидов Балиқли қўлга келади ва бу ерни ободошлаштириш борасида маслаҳатлар беради. Шу баҳона масжид томини шифер билан таъмирланганди. Унинг бир бурчагида кичик музей ҳам ташкил этилганди. Ҳозирги

курда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон призиденти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан зиёратгоҳларимиз янади чирой очмоқда. Жумладан “Бибинаима она” ва “Султон Увайс бобо” қабрларини зиёрат этувчилар сони кун сайн ошиб бориши ўзига ҳос тарихий аҳамиятга эга. Нафакат ўзбекистон фуқоролари балки Эрон, Афғонис-тон Эрон, Арабистон ва қўшни давлатлардан кўплаб зиёратчилар келишади. Ҳалқимиз қаторида бошқа ҳалқлар вакиллари ҳам Увайс Қараний бобомиз хотирасини эъзозлайдилар. Балқликўл қишлоғида ҳозирги кунда ўн саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласди. Қишлоқда эллиқдан кўпроқ фирмур хўжалиги фаолият кўрсатади. Қишлоқ аҳолиси замонавий уйларга ўзларининг табаррук маконларини алиштирмайдилар. Зиёратгоҳни янада ободонлаштириш ишлари доимо давом этиб келмоқда. Тарихчиларимизнинг такидлаш –ларича Кушон даврида бу қишлоқдан савдо йўли ўтган экан. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнама” асарида Пешқўрғоннинг Оқ ертепа номи билан машхур қўналғасида тўхтаб, дам олиб кейин Хинд сари юришган экан. Бобурмирзо бобомиз шу ерда булоқ сувидан тўйиб ичиб, Султон Увайс бобомиз руҳидан мадад сўраб йўлга чиқсан экан. Бир неча йил аввал архиологлар томонидан Дўсттепа, Мозор тепа, Оқ тепадан топилган шиша ва сопол идишлар эрамиздан аввалги 3 ва 1 асрларга оидлиги, айрим тангалар Александр Македонский даврида муомулада бўлганлиги аниқланди. Бу зиёратгоҳнинг жуда қадимий даврларга оидлигидан даракдир. Охирги вақтлардаги зиёратгоҳдаги турли тартибсизликлар, одамларнинг шовқинлари, турли чиқиндиларни булоқка ташлаганликлари натижасида балиқлар камайиб боришига сабаб бўлганди. Бу ўринда булоқдаги балиқлар борасида сўз юритсак. Булоқка ташриф буюрган одам дастлаб сувидан ичиб ташналигини қондиради ва катта – кичик балиқларга қўзи тушади. Бу балиқлар сув тубида тўда-тўда бўлиб сузишлари ажойиб манзара касб этади. Инсонларга анча ўрганиб қолган балиқлар берилган емишни олиб сув ўтлари орасига ғойиб бўлишади. Айримларини кузатсангиз икки қулоқ томонида худди оқ зираклари борга ўхшайди. Балиқлар ҳафтанинг жума куни кундузи ғайритабиий равишда ғойиб бўлишади ва кечкурун пайдо

бўладилар.Бунинг сир-саъноатини ҳалигача олимлар аниқлай олмаганлар.Бир неча ўн йил олдин Балиқликўл ҳавзасидан бир гала балиқ ушланиб, Чуст туманидаги Қайнар булоқ зиёратгоҳи ҳавзасига ташланди.Орадан бир неча кун ўтиб,булоқ суви тўхтаб қолади.Кексалар бу холатдан ҳайрон бўлишади ва балиқларни ўз ҳавзаларига қайтаришга аҳд қиласидилар.Шундан сўнг Чуст Қайнар булоги ўз ҳолига қайтади.Яна бир ҳақиқат борки, Балиқли кўл билан Бибинаима она зиёратгоҳидан чиқадиган сутли булоқни бир-бирига боғловчи сув ости йўли борлиги аниқланган.Балиқлар шу сув ости йўлидан икки зиёратгоҳга ўтиб юрар эканлар.Балиқликўл балиқлари жуда бир-бирига меҳрибон.Улар қиши кунлари оч қолсалар ҳам ўзларидан кичик балиқларни емайдилар.Аксинча уларга меҳрибонлик кўрсатадилар.Ўрта Осиё жумладан ўзбекистон хилма-хил моддий ва маданий бойликларга бой бўлиб, ер куррасидаги жаҳон цивилизациясининг энг қадимги маданият ўчоқларига бой ўлкадир.Тарих тараққиёти жараёнида ўзбек ҳалқининг маданияти оғир ва мураккаб йўлларни босиб ўтгани сир эмас.Дарҳақиқат ҳалқ томонидан яратилган моддий ва маданий бойликлар тарихий жараёнларда бўлган уруш туфонлари ҳамда қирғинлар боис кўплари харобаларга айланганди. Шундай бўлса ҳам айримлари қисман сақланиб қолди.Истиқлол йилларида юртбошимиз раҳномолигида барча маданий мерос обьектлари ҳамда зиёратгоҳлар таъмирланиб,асл ҳолига келтирилди ва иккинчи умрини бошлади.Энг муҳими ҳалқимизнинг улуғ фарзандларининг табаррук номлари қайта тикланмоқда. Абадий ором топган маконлардаги мақбаралару-зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Шу билан бирга бу ерлар қутлуғ қадамжойлар қаторига қўшилди.Ватанган муҳаббат болаликдан,она тупроққа бўлган меҳрдан бошланади.Инсон боласи Ватан деб атарган табаррук заминнинг обхосидан, жамики моддий-маънавий неъматларидан баҳраманд бўлиб,умрининг охиригача содик эътиқод билан яшайди.Чунончи аждодларимиз яшаган табаррук замин барчамиз учун қадрлидир. Аждодларнинг яратган турли обидалари, масjidлар, зиёратгоҳлари минг йиллар,асрлар босқичларидан ўтиб бизгача етиб келган экан,биз ҳам бундай табаррук гўшаларимизни келажак авлодларимизга

етказиб беришимиз даркор. Тарихий обидаларнинг ҳар бир ғишини асрашимиз, илмий тадқиқотлар орқали уларнинг очилмаган сирларини ўрганиб боришимиз, ўзбек тарихини янада илмий асослар билан очиб беришимиз жуда муҳимдир. Наманган вилоятининг кўхна Чорток туманидаги Балиқли кўл зиёратгоҳи каби манзиллар Ўзбекистоннинг барча манзилларида мавжуд. Масалан: Туркистондаги “Ахмад Яссавий” мақбараси, Тошкет вилоятидаги “Зангиота” мажмуаси, Тошкент шахридаги “Шайх Хованди Тохур”, “Қалдирғочбека”, “Шайх Зайниддин” мақбаралари, ”Каффол Шоший имом ал-Бухорий” мажмуалари, Самарқанддаги “Шохи Зинда”, ”Амир Темир”, “Хўжа Ахрор Валий”, “Чўлпонота” мақбаралари, Сурхондарёдаги Ҳаким ат-Термизий мажмуаси, Жиззахдаги “Авлиёта” мажмуаси, Наманган вилоятидаги Ҳўжам қабри, Мавлавий Номонгоний, Мулла Бозор Охунд, Фаргона вилояти- даги Даҳмаи Шоҳон гўрхонаси, “Пошшопирим”, “Етти булоқ”. “Мозорихон” мақбаралари ва бошқа шу каби тарихий масканларимиз Ўзбекистоннинг муқаддас манзилларида.

Фойдаланилган адабиётлар;

- 1.”Наманган вилояти зиёратгоҳлари – Латифа Аҳмадалиева 2015йил.
- 2.”Балиқли кўл, Султон – Увайс Қараний зиёратгоҳи”-А.Инайтов ва И. Нишоноялар. 2008-йил.
- 3.”Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журналлар 2022-2023-2024 йиллар сонлари.